


Ёшлар учун ибратли ҳаёт йўли



Мамлакатимизда истиқомат қилаётган Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда юқори лавозимларда меҳнат фаолиятини юритган нуронийларнинг ўз ҳудудларидаги мактаб,олий таълим муассасаларида ҳамда ўқув юртларида ёшлар билан учрашувлар ўтказилиши белгиланган.

Қумқўрғон туманидаги "Элобод" маҳалласида жойлашган 23-мактабда ўқувчилар билан учрашув ўтказилди. Учрашувда умрининг 20 йилдан ортиқ вақтини туман ҳокими ҳамда вилоят ҳокими лавозимида ўтказган, меҳнат фахрийси, туманимизнинг фахри бўлган устоз Нормўмин Омонович Чориев ўтказди.

Хонадонларимизнинг файзи,бизнинг таянч тоғимиз бўлган фахрийларимизнинг ибратли ҳаёт йўлидан ҳар қанча ўрнатқолсак арзийди. Мазкур учрашувда ёшлар ўзларининг қаҳрамони бўлган фахрийлардан фахрланиши шарафдир. Меҳнат фахрийси Нормўмин Чориев ёшларга ҳаётда фақат ҳаракат қилсагина,билим олишдан тўхтамаган инсон юксак натижаларга эришишини айтиб ўтди.